



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqqan boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 14-iyun
Shanba № 11 (4507)

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Музrabot тумани Кенгашининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди.
Сессия ишига 16-Байналмилал сайлов округидан депутат С.Нурмажматов раислик қилди.

Сессияда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислохот тарғиботи банкни иштиради” қарорининг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-141-сон қарорининг тумандаги ижроси ҳақида “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаси маблағларини йўналтириш тўғрисида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Холниёзов, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 25 ноябрдаги ПҚ-405-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида” “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси Э.Собиров, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 декабрдаги ПҚ-438-сон қарори билан белгилаб берилган топшириқларнинг тумандаги ижроси ҳамда халқ депутатла-

ри Музrabot тумани Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички ҳўжалик йўллари инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 11 октябрдаги 665-сон қарорининг тумандаги ижроси ҳақида” 2025 йил 15 февралдаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” туман Ҳокимининг ўринбосари Х.Худойкулов, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида” туман Ҳокимининг ўринбосари Ф.Рахмонов, “Туманда

2025 йилнинг ўтган даври давомида “Аёллар дафтари”ни босқичда тизимли ва намунали юритиш натижасида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” туман Ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М.Тоғаева маъруза қилдилар.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан муҳокама этилган:

“Тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида”-ги;

“Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари “Юксалиш” ҳаракати Сурхондарё вилояти бўлини маси томонидан 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури 3-илова 4- ва 6-бандларида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ўтказилган жамоатчилик мониторингини ўрганиш натижалари тўғрисида”ги;

“Музrabot тумани маҳаллаларининг номсиз кўчаларига ном бериш тўғрисида”ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда шундан сўнг депутатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши томонидан Кенгаш текшируви ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 6 майдаги қарорининг ижроси ҳақида”ги; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун коррупцияга қарши курашишга оид услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 6 майдаги қарорининг тумандаги ижроси ҳақида”ги; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Халқ депутатлари вилоят (туман, шаҳар) Кенгашлари котибиятлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 24 февралдаги қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида”ги масалаларни атрофлича муҳокама этиб, кўриб чиқилди.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.



Туман ҳокимлигида

Фуқаролар қабули ўтказилди

Ҳокимлик биносида туман Ҳокими Абдулла Маматқулов томонидан навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди. Қабулда туман Ҳокими ўринбосарлари, ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирок этдилар.

Қабулда 70 нафардан ортиқ фуқаро турли муаммо ва тақлифлари билан муурожаат қилди. Жами 60 га яқин муурожаат қабул қилиниб, улардан 8 таси жойида ижобий ҳал этилди. Туман Ҳокими Янги ҳаёт маҳалласи ва туман аҳолиси

томонидан келиб тушган муурожаатлар бўйича тегишли мутаасаддиларга топшириқлар берди, қонунчилик доирасида чоралар белгиланди.

Бундай очиқ мулоқотлар фуқароларнинг муурожаатларини бевосита эшитиш, муаммоларига амалий ечим топиш ва аҳоли ишончини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлмоқда.

Суратда: қабул жараёни.

«Бош прокурор кубоғи»

Туман босқичи бўлиб ўтди

“Беш ташаббус олимпиадаси” дастури доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида спортнинг миллий кураш тури бўйича “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори кубоғи” мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Тадбирда туман Ҳокими Абдулла Маматқулов, туман прокурори Исламбек Ҳўжамуродов, туман ИИБ бошлиғи Ўткир Шўкуров ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиб, спорт ва жисмоний тар-



биянинг оммавийлигини ошириш, айниқса, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Мусобақалар қизгин ва муросасиз тарзда ўтиб, ўғил болалар ўртасида 66 кг, 73 кг, 81 кг, 90 кг ва +90 кг, қизлар ўртасида эса 57 кг,

63 кг, 70 кг ва +70 кг вазн тоифаларида беллашувлар ташкил этилди.

Ғолиб спортчилар диплом, медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди, вилоят босқичида иштирок этиш йўланмасини қўлга киритдилар.

Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Янги Ўзбекистон:

ЯНГИЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тарғиботи соғлом ва билимли авлодга боғлиқ.

Давлатнинг эртанги кунги ёшларнинг қай даражада билимли экани билан бевосита боғлиқ. Шу боис, таълим тизимини ривожлантириш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида Харақатлар стратегияси ва унинг мантқий давоми саналмиш Тараққиёт стратегияси доирасида, ривожланган давлатлар каби узлуқсиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим тарбия бериш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича сезиларли ислохотлар амалга оширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май кунги мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди, унда соҳада мавжуд

муаммоларга алоҳида тўхталди. Жумладан, таълим дастурлари энг илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланмоқда, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб берилаяпти.

Лекин тизимдаги муаллимларнинг янги методикаларни ўзлаштириши, таълим сифатини таъминлаши қай даражада экани савол остида. Масалан, икки йил олдин тоифа бериш тизими шаффоф, рақамлашган платформага ўтгани ҳақиқий аҳволни кўрсатгани, ўтган йили 341 минг ўқувчи янги тизим асосида тоифага топширган бўлса, шундан 102 минг нафар имтиҳондан ўта олмагани қайд этилди. Шунингдек, ҳозирда 7-11 синф ўқувчилари кунига 8 соатгача вақтини телефонда ижтимоий тармоқларда ўтказётгани мактаб директорлари ва муаллимлари ҳам, ота-оналарини ҳам ўйлантириши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)



Истеъдодлар намоиши

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг жорий йил 15 май кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадига «Долзарб 90 кун» лойиҳаси жойларда кенг қўллаб яратилди.

Туманимизнинг энг кенжа – 58-умумтаълим мактабида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда билим даргоҳининг, қола-

верса, ёндош мактабларнинг ўқувчи ёшлари ўз истеъдодларини намоиш этишиб, бадний чиқишлар қилишди.

Тадбирда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири С.Ҳамраев, мудири Ў.Умаров ва Ёшлар етакчилари иштирок этдилар.

С.ЮСУПОВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

«Dolzarb 90 kun» va «Yoz – 2025»

Yangi bilim, ilhom va g'alabalar

Ta'lim-tarbiyani zamon talablari asosida tashkil etish, yoshlarning bo'sh vaqtini sermazzun va samarali o'tkazish maqsadida bu yilgi ta'til davrida «Dolzarb 90 kun» hamda «Yoz – 2025» kabi loyihalar tashkil etilmoqda. Bu borada tumanimizdagi 13-umumiy o'rta ta'lim maktabi ana shu tashabbuslar doirasida bir qator madaniy, ma'rifiy va sport tadbirlari o'tkazish bo'yicha anchagina faol.

Maktab direktori Q.Raximov «Ta'til – bu dam olish emas, bu o'z ustimizda ishlash uchun yana bir imkon», deya maktab jamoasini ruhlantirib, belgilangan loyihalarni tashkilotchilik bosh bo'ldi. Ushbu loyihalar doirasida maktab hududida turli fan va sport to'garaklari faoliyati yo'lga qo'yilgan. Har bir to'garak bolalarning ta'til vaqtida «bo'sh o'tgan kun» degan tushunchaga o'rin qolmayapti.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, maktabda olib borilayotgan bu kabi tadbirlar yozgi ta'tilni nafaqat mazmunli, balki unutilmas davrga aylantirmoqda. Bunday tashabbuslar davomli bo'lsa, albatta, buningning o'quvchisi – ertangi yetuk mutaxassis, ongli fuqaroga aylinishi muqarrar.

Shuningdek, o'quvchilar uchun teatr sahnalashtirish, rassmlar chizish, qo'l mehnati bilan bog'liq mashg'ulotlar ham yo'lga qo'yilgan. Maktabdagi bu kabi tadbirlar orqali bolalarning ta'til vaqtida «bo'sh o'tgan kun» degan tushunchaga o'rin qolmayapti.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, maktabda olib borilayotgan bu kabi tadbirlar yozgi ta'tilni nafaqat mazmunli, balki unutilmas davrga aylantirmoqda. Bunday tashabbuslar davomli bo'lsa, albatta, buningning o'quvchisi – ertangi yetuk mutaxassis, ongli fuqaroga aylinishi muqarrar.

Lobar BOYMURODOVA, TerDU o'zbek filologiyasi fakulteti 3-bosqich talabasi.



ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Музrabot тумани политехникумида “Тамаддун, маданият ва маърифат” мавзусида “Маърифат карвони” илмий-маърифий ва маданий тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

Дастлабки тадбирда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари – Ўзбекистон ҳаёт тиллари университети доценти, педагогика фанлари доктори Ж.Пўлатов, Тوشкент давлат иқтисодиёт университети доценти, сибатшунослик фанлари доктори М.Юлдашева, “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Э.Собиров қатнашдилар ва маърузалар қил-

дилар. Бадиий қисмда Музrabot ва Шеробод туманлари санъаткорларининг ижро этган дилтортар кўшиқлари барчани рақсларга чорлади.

Куннинг иккинчи ярмида тарғибот гуруҳи аъзолари “Фаровон ҳаётга илк қадам” лойиҳаси доирасида маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга бўлдилар. Жумладан, улар туманининг “Орият” маҳалласида яшовчи З.Беғинова хонадонига ташриф буюриб, оила аъзолари билан суҳбат қурдилар.

Ш.ХОЛТЎРАЕВ, туман “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари.



Касаба уюшмаси: ҳисобот ва сайловлар

Таълим ва фан ходимларининг ғамхўр ташкилоти

Туманимиздаги 9-умумтаълим мактабида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Музrabot тумани бўлини масининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унга туман халқ таълими тизими ва касаба уюшмаси фаоллари, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Конференцияда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Музrabot тумани бўлини маси раиси Лазизжон Мусаев бўлини маси томонидан 2020 йил июнь ойидан 2025 йил май ойига қадар амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот маърузаси қилди. Маърузада таъкидландики, “Инсон шаъни ва қадр-қиммати

йўлида” тамойилга асосланган ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарғибот стратегияси» тасдиқлангани халқ фаровонлигини янада оширишда муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тарғибот стратегиясини амалга ошириш жараёнида тарғиботчи ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган ва 2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегияси амалга оширилмоқда. Муҳим дастурий ҳужжатларнинг амалга ошири-

лиши натижасида мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳада улкан натижаларга эришилди.

Шундан сўнг нотиж тармоқда бажарилган ишлар хусусида батафсил тўхталиди. Касаба уюшмаси нуфузли жамоат ташкилотларидан бири бўлиб, ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий мадад ва нафақалар ҳақиқатда ҳам эҳтиёжманд, юқори ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга берилишини таъминлашга салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Ўтган йиллар давомида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман Кенгаши томонидан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда.)



Мобилашиб бораётган тафаккур

(Бошланиши 1-бетда.)

Оғоҳлик, дахлдорлик, ўзликни англаш, гоёвий курашчанлик ҳар бир овоз шахс ва эркин фукрао учун зарурдир. Бугунги ёшлар турли маконлардан таралаётган муайян кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳар хил маъно-мазмундаги гоёвий таъбирлар ғайриодобиди ашайди. Ахборот асри, интернет асри, информатсион технологиялар асри деб ном олган айни даврда бундай таъбирлардан ҳоли бўлиш долзарб муаммодир. Шундай экан, давр ҳар бир ёшнинг фикри ва собит этиқолига, мустақил тафаккури ва мустаҳкам ирода-сига эга бўлишини тақозо этади. Гоёвий таъбирлар кучайган ҳозирги шароитда миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий маънавий мерос ҳавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур омилилардандир.

Демак, ҳозирги ёшлар нима яхши ёки нима ёмон эканлигини ажрата билиши даркор. Яъни ахбороти ташлаш ва ундан унумли, тўғри фойдаланиши инсоннинг онг ва тафаккур даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда ёшларнинг интернетдан тўғри фойдаланишига эриш-моғимиз лозим. Мамлакатимизда Интернет тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириб ҳам бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Агар биз ёшларда ахборот олиш маданиятини шакллантирсак, ахборот хуружига қарши иммунитетни кучайтирган бўлаемиз.

Башариёт рақамлашу, мобилашу, соҳаларга суъий интеллекнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. Ҳозир дунё ялли ички маҳсулот(ИИМ)нинг қарийб чорак қисми рақамли секторга тўғри келиши прогноз қилинаётган бир замонда яша-

япмиз. Биз белгиз суъий интеллекни тилга олмадик, сабаби у инсон тафаккури, онги билан рақобатга киришмоқда. Инсониятнинг ўзига хос хусусиятларида бири ҳиссий интеллект – ўзимиздаги ва бошқалардаги ҳис-туйғуларни тушуниш ва бошқариш қобилияти. Туйғулар инсон таърибасининг асосий жиҳати бўлиб, бизнинг муносабатларимизни, қарор қабул қилиш жараёнларини ва умумий фаровонлигимизни шакллантиради. Бироқ суъий интеллект ҳиссий таърибларга бефарқ, нозик инсоний ҳис-туйғуларни тушунишга қодир эмас.

Суъий интеллект тизимлари янада мураккаблашгани сайин автономия ва жавобгарлик билан боғлиқ муаммолар биринчи ўринга чиқади. Ушбу тизимларда ҳиссий тушунча ва субъектив фикрлашнинг этишмаслиги кутилмаган ҳолатларга дучор бўлганда, ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, жавобгарлик масаласи жиддий муаммо туғдиради. Агар суъий интеллект тизими зарарга олиб келадиган қарор қабул қилса, жавобгарликни ким ўз зиммасига олади? Одамлардан фарқли ўлароқ, машиналар ахлоқий вақолатга ёки масъулият туйғусига эга эмас, бу уларнинг хатти-ҳаракатларининг оқибатлари учун жавобгарликни мураккаблаштиради. Зелро, технология тараққийётга интилишда суъий интеллекнинг интеграциясига ақлли ва эҳтиёткор фикрлаш билан ёндашиш жуда муҳим. Суъий интеллект самарадорликни ошириш ва мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун улкан салоҳиятга эга бўлсада, у одамларни инсонга айлантирадиган ноёб фазилатларнинг ўрнини боса олмайди.

Суъий интеллекнинг ҳавф-хатарлари унинг келовларида,

ҳақиқий ҳис-туйғуларнинг йўқлигида, инсон хатти-ҳаракатларининг мураккаблигини англаш олмаслиқда ва машина мулоҳазаларининг нотўғрилигидадир. Ривожланаётган суъий интеллект ландшафтни келарканмиз, технологиянинг афш-заллиқларида фойдаланиш ва инсоний лигимизни белгилайдиган ўзгармас фазилатларни асраб қолиш ўртасидаги муво-занатни сақлаш жуда муҳим.

Яна бир муҳим масала. XXI асрда ижтимоий тармоқлар шу даражада оммалашдики, бу, ўз навбатида, ҳатто инсон тафаккурига ўз таъсирини ўткази олаш даражасига чиқиб улгурди. Ҳозирги вақтда кўп сонли одамларни зомбига айлантирган ижтимоий тармоқлардан узоқлаша олмаслик хасталиги янада кўпроқ зарар келтиради. Ижтимоий тармоқларга қарамлик яхшиликка олиб келмаслиги ҳақида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Америка педиатрлар академияси ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш боларлигидан ўқитилган болаларни ўқитиб қўлади. Биз ҳам улар қаторида қариндош-уруғлар ҳам бўлиб, кир-адирликлар узра ястаниб ётган қизгалдоғучмо-молар макон тутган йўл бўйлаб кетаётган машиналар қарвони оқимида бирга сузамиз. Мақсади-миз Сурхон воҳосининг қадимий тоғ қишлоқларидан бири бўлган Кампиртепа ёнағирларида дам олиб хордиқ чиқариш.

Одамлар қалбига гўзаллик ва нафосат олиб кирувчи баҳорнинг шуккуй ўзига. Адирликлардаги турли хил анвойи гуллар, ўт-ўланлар ҳиди оламини тутайди. Хув анави, тоғ ёнағирларида ўсиб ётган арчалардан қишин-ёзин ажойиб ифор тара-либ туради. Кампиртепа қишлоғи ҳам ана шундай гўзал масканлардан биридир. Бу гўшада истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида асрлар билан юзлашиб, юздан ошган боболаримомолар анчагина. Эҳтимол бунга Кампиртепа қишлоғининг ажойиб об-ҳавоси-ю мафтункор табиатининг гўзаллиги, тоғ қишлоғининг хушман-

Сулоса ўрнида таъкидлаш лозимики, инсон ахборот истеъ-молчиси сифатида ҳар қандай зарарли контентлар, бузғунчи, ёт гоёларга ўз тафаккури орқа-ли қарши тура олиши лозим.

И.ХОДЖАЕВ,

А.АХМЕДОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирилик ходимлари.

иҳида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Бир сўз билан айтганда, қонунларимиз халқчил ва ҳаққоний. Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари тўғрисида"ги қонунининг 37-моддасида таъкидлаганидек, Жисмоний ёки юридик шахснинг ариза, шикоят яна шу мувожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, ариза, шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органининг, ташкилотнинг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган ҳаражатларнинг ҳамда ана шу вақт ичидида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мувожаат этувчига суд тартибидида қопланади. Суд тартибидида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг ариза-шикояти ёхуд шикоятни кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт.

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мувожаат ўша куннинг ўзидида, иш вақти тугагандан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун

Ақбар ЖУМАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мۇзравот туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.

лар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир. Таъкидлаш ўринлики, одам савдоси жинояти ақсарият ҳолларда алдов усули билан амалга ошириляпти. Шу сабабли жиноятларнинг олдини олиш мақсадида меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда профинишонинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, куллик ёки кулликка ўхшаш одатларни, эркин ҳолада инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англади. Ҳар йили миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кекса-


Бугун шанба. Дам олиш куним. Ҳар кунгидан кўра бугун бироз кечроқ уйғондим. Шундай бўлса-да, дамим одатимни давом этириб, боғимизни оралаб баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Нонуштини еб, мактабига ошпаётган қизим тоқчадаги телефонимнинг жинглиётганини эшитиб гўшакини кўтарар экан "Дада, сизни шербодлик Чори тоғам сўрапти", - деди.

– "Алло, алло" деганча телефонга қулоқ тутаман. Салом-аликдан сўнг, муздагога ўтади: –Яқшанба кун оилавий тоқча чикмаймизи? Табиат қўйнида бир дам олиб кўри эдик, нима дейсиз? –Ҳа, яхши фикр! – дея унинг таклифни қўллаб-қувватлайман.

–Демак, эртага тонг вақти йўлга чикамиз, учрашув жойимиз туман маркази бўлади,-дейди у.

Оила аъзоларимиз билан йўл тарадудини кўришга тушамиз. Баҳор ҳавосининг иссиқ тафтидан бироз бўлсада яшириниш, тоғ қўйнида дам олиш истиғиди автоуловларда йўлга чиққан воқеаларимизни кир-адирликлар бўйлаб қўллаб учратиш мумкин. Биз ҳам улар қаторида қариндош-уруғлар ҳам бўлиб, кир-адирликлар узра ястаниб ётган қизгалдоғучмо-молар макон тутган йўл бўйлаб кетаётган машиналар қарвони оқимида бирга сузамиз. Мақсади-миз Сурхон воҳосининг қадимий тоғ қишлоқларидан бири бўлган Кампиртепа ёнағирларида дам олиб хордиқ чиқариш.

Одамлар қалбига гўзаллик ва нафосат олиб кирувчи баҳорнинг шуккуй ўзига. Адирликлардаги турли хил анвойи гуллар, ўт-ўланлар ҳиди оламини тутайди. Хув анави, тоғ ёнағирларида ўсиб ётган арчалардан қишин-ёзин ажойиб ифор тара-либ туради. Кампиртепа қишлоғи ҳам ана шундай гўзал масканлардан биридир. Бу гўшада истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида асрлар билан юзлашиб, юздан ошган боболаримомолар анчагина. Эҳтимол бунга Кампиртепа қишлоғининг ажойиб об-ҳавоси-ю мафтункор табиатининг гўзаллиги, тоғ қишлоғининг хушман-



Harbiylar uchun kitob yarmarkasi

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: «Kitobsiz taraqqiyotga, yuksak ma'naviyatga erishib bo'lmaydi. Kitob o'qimagan odamning ham, millatning ham kelajagi yo'q».

Darhaqiqat, yaxshi fazilatlar inson ongiga kitoblarga orqali singdiriladi. Har bir inson o'z vaqtini unumli, foydali o'tkazish, ma'naviyaviyasini oshirish maqsadida kitoblarga, badiiy adabiyotlar bilan oshno tutinadi, hordiq chiqaradi. Kitobga oshnolik kishilar hayotida muhim ahamiyat kasb etadi.

Asrlar davomida inson kitob bilan do'st bo'lib, o'zini qiziqtirgan savollarga javob topib

kelgan. Kitob kishining qayg'uli kunlarida, yolg'iz qolgan damlarida ham, baxtli va masrur onlarida, ya'ni har bir qadamida, kundalik turmushida ham maslahatchi, sadoqatli hamroh, bebaho boylik va eng yaqin do'st hisoblanadi.

DXX Chegara qo'shinlari harbiy qism bo'linmasida harbiy xizmatchilar uchun navbatdagi kitob yarmarkasi tashkil etildi. Bu ma'rifiy tadbirdan chegarachilar mamnun bo'ldilar.

Mayor Umrzoq SOBIROV, harbiy yarmarkasi. **Suratda:** kitob yarmarkasidan lavha.

FVB ogohlantiradi

Cho'kish haqida nimalarni bilasiz?

Suvga cho'kish – baxtsiz hodisa. Bunda nafas yo'llari suyuqlik (odatda suv) yoki suvli massalar (balchiq, loy) bilan to'lishi natijasida nafas va yurak faoliyati qattiq buziladi. Suvga cho'kish, odatda katta suv havzalarida cho'milganda yoki biror sababga ko'ra sodir bo'ladi. Yaxshi suzadigan odam ham (suvda cho'milish qoidalariga rioya qilmasa va ehtiyot choralarini ko'rmasa) cho'kib ketishi mumkin. Uzoq masofaga suzib tashlaganda shikastlanish (boshning toshga yoki biror qattiq jisimga urilib ketishi) suvga cho'kishga sabab bo'ladi. Kalla tashlagan odam (kalla tashlash texnikasini bilmasa) suv yuzasiga urilib ketishi tufayli bo'yn, ko'z, biqin sohasiga zarb yetkazadi. Bu esa hushdan ketishga olib keladi. Boshning havza tubiga urilishi bo'yn umurtqalarining sinib ketishi xavfini tug'diradi. Mastlik ham suvga cho'kishga sabab bo'lishi mumkin, mast odam o'zini idora qilmay, cho'milish qoidasini buzadi. Bundan tashqari, u sovuqni

iziyollardan balandlikka tirmasamiz. Tepalikdan kaftdek kurnayotgan gavjum qishloqqa etamiz. Ta'biatning musavvirlikiga qoyil bo'lamiz. Chor-atrofi ajoyib bir qumaga kirganiki, asti quyavering. Shifobaхsh giexlarni aytmay kuyayotadi. Inson kulochi etmaydigan kaхdam chinorlariga boкамиз, uday g'ue 'utmiшdan хикоя қилаётгандек туйилади, назаримизда. Тоғ бағирларидан оқиб тушган ёмғир сувлари йўлнинг ҳар-ҳар жойларига қўлмақ ҳосил қилган. Қишлоқ этагидан шарқираб

ли. Чунки улар мана шу доривор гиёхлардан озикланганида. Одамларимиз ҳам шу боис соғлом ва тетик. Шу ёшга кириб дўхтир нимаганини билмайман. Худога шукур, қишлоқдошларимиз ҳам бир-бирлари билан аҳил-иноқ яша-ди. Туй-маърақаси бирига.

Онаҳон суҳбатини мароқ билан тинглаб эканмиз, бу орада осмон очилиб, улкан тоғлар ва кир-адирликларни кўёш нури ёрита бошлади. Тоғлиқларга шо шикоят юз-қўзида дуфуриб турган Жўрағул онанинг

зоари-ю одамларнинг ҳалол меҳнати, бир-бирлари меҳрибонлиги ва албатта, улар ўртасидаги меҳроқибат боис бўлса, ажабмас. Бу ерларда табиат фасллари ўзгача наморё бўлади. Айниқса, баҳорнинг серёғин об-ҳавоси тоғ ва тоғолди ҳудудларида бироз ҳавф-хатарли кечади. Кўхитанг тоғ тизмалари этагида жойлашган Кампиртепада ҳам бу каби ҳодисаларни кузатиш мумкин. Пуर्वикор тоғ этагида жойлашган қишлоқ ва овулларда баҳорда ёққан ёмғир сел ва тошқинларни келтириб чиқариб, аҳолига бироз ноқулайликлар туғдириши тайин. Гоҳ тошлоқ, гоҳида эса асфальт йўлларда бир-бирларини галма-гал қувиб ўтаётган уловлар узидан ҳаракатланамиз. Йўл четидиги Кампиртепа деган ёзув белгисидан сўнг Қизил олмага элтувчи йўл бўйлаб юраемиз. Олдидида кетаётган ҳамроҳини автомашинанинг чағга бурилиш чирогини ёқиб бурила бошлади. Сийрак жойлашган овулларни ортда қолдириб, сел оқиб ўтувчи сойдан сўнг, илон

оқиб ўтаётган сойнинг зилот сувлари, нафақат ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, қолаверса шу ерда исти-комат қилувчи аҳолини оби-ҳаёт билан таъминлайди.

Автомашиналардан тушар эканмиз, сой биқинида ўсган улкан дарахта қўзимиз тушди. Чор-атрофи яшилликка бурканган. Ёғликларини ўртоғи билан уч фарзанди вояга етказиб, ўйли-жойли қилган онаҳон билан табиат қўйнидаги гурунгимиз узоқ давом этди. Қилардан қўларидида чўчумо-ю қизгалдоқларни гулдаста қилиб паства тушаётган бола-жоларимизнинг шодон кулгулари тоғларга таралиб янада ақ садо беради. Она табиатнинг ям-яшил қўкламзорларида мароқ билан дам олиб йўлга тушар эканмиз, бошимиз узра гала-гала бўлиб сузиб кетаётган булутлар тўдасига қўзимиз тушди. Улар қўқдан турди биз билан хўшлашаётгандек эди, гўё.

Сайдулла ШОБЕРДИЕВ, ДХХ Чегара қўшинлари хизматчиси.

Мутахассис оғохлантиради

Канадан эҳтиёт бўлинг

Крим-конго геморрагик иситмаси (ККГИ) касаллиги бизнинг республикамизда аввал учрамаган. Касаллик фақат молларда мавжуд бўлган каналар орқали одамларга юқди. Унинг белгилари жуда кўплаб касалликларнинг белгиларига ўхшаб кетади. Шу боисдан ҳам ташхис қўйишда шифокорлар хасталикни аниқлаш учун жуда кўплаб касалликларнинг симптомларини (белгилари) таққослашга тўғри келади. Сабаби у аниқ лаборатория текширишлари орқалигина аниқланадиган касалликдир.

Бу касалликни Crimean-Congo hemorrhagic fever orthobnavirus номли вирус қақириб, манбаси қорамол ва майда молларда учрайдиган каналардир. Уни оқтириш хавфи юқори бўлган аҳоли гуруҳлари бўлиб – чорвадорлар, мол боқувчилар, қасоблар, ветеринарлар, каналарни бармоқлари билан териб олувчи ва сиқиб ўлдириб одатланган шахслар ҳамда тиббиёт ходимлари ҳисобланади. Одамларга инфекция кана қақириб ёки зарарланган каналарнинг қон баданга теккан ҳолларда(ҳимояланмаган бармоқлар билан канани ўлдирганда), камроқ ҳолларда эса инфекция юққан молнинг қони орқали ўтади. Энг хавфлиси молларда касалликка ҳос симптомлар (белгилар) сезилмайди. Касаллик ташувчи моллар клиник соғлом моллардан фарқ қил-

майди. Касаллик инсонларда жуда кўплаб клиник белгилар ва лаборатория текширувидаги ўзгаришлар билан характерланади. Касаллик кана қаққандан кейин 2-7 кун ичида юзага чиқиб, дастлабки белгилари бошқа кенг тарқалган иситма қақирувчи касалликларга ҳамда баъзи соматик (қон касалликлари, ҳомиладорликда кузатиладиган қон кетишлар, ЛОР) ва бошқа кўплаб касалликларга ўхшаш бўлади.

Кана қаққанда зудлик билан врачга мувожаат қилин! Касаллик ўтказиб юборилганда жуда оғир оқибатларга олиб келади ва кўплаб ҳолларда касалланган инсоннинг ўлими билан аяқланади.

Хурматли тумандошлар! Касалликка қалинмасликнинг энг осон йўли молларнингизда учрайдиган каналарни қўлингиз билан териб олманг. Уй ҳайвонларини доимий қаналарга қарши қўмилиринг. Молчонангизда ишлаш учун маҳсулус кийим-бош ажратинг ва каналарнинг баданнингизга ёпишишидан сақланг!

Ш.ҚҶОҚОВ, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими эпизоотолоғи.

Ч.МУСАЕВ, туман санитария-эпидемиолог оқойишталик ва жомат саломатлиги хизмати бўлими врач эпизоотолоғи.

ташlash lozim, yordam berayotgan odamning bukilgan tizzasiga shikastlangan kishi qorni bilan yotqiziladi, yuqori nafas yo'llari va me'dadan suv oqib tushishi uchun boshi pastga osiltirib qo'yiladi. Suvni chiqarib bo'lgandan keyin darhol sun'iy nafas oldirishga kirishiladi. Sun'iy nafas oldirishning ko'pgina usullari orasida "og'izdan-og'izga" va "og'izdan-burunga" nafas berish yaxshi naf beradi.

Cho'kkan odamning (qay ahvolda bo'lmagan) oyoq-qo'llarini ishqalash, massaj qilish yo'li bilan isitish choralarini ko'rinish lozim. Barcha usullar cho'kkan odamni suvdan chiqarib olingan zahotiyoq to shifokor yetib kelungu qadar (qirg'oqda, qayiqda) bajariladi yoki bormorni zudlik bilan kasalxonaga olib borish lozim bo'ladi.

Hurmatli tumandoshlar, cho'milish mumkin bo'lmagan joylarda yosh bolalarni yolg'iz o'zlariga qo'milishiga, oqim tez bo'lgan joylarda, katta kanallar va ko'llarda cho'milmaslikka harakat qiling! Zero, inson umri, qadr-qimmatini har narsadan ustun.

А.ХОЛБОВЕВ, туман FVB P va NB katta inspektori, mayor.

ХАЛҚЧИЛ ВА ҲАҚҚОНИЙ ҚОНУН

Жисмоний ва юридик шахслар мувожаатлари тизимининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари тўғрисида"ги Қонуни 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган. Давлатимиз раҳбери томонидан 2017 йил 11 сентябрда имзоланган ЎРҚ-445-сон Қонунга мувофиқ мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аввало, таъкидлаш жоизки, қонун билан давлат органлари ва давлат муассасаларига шуни-ндек, уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш кўзда тутилган.

Мазкур қонун билан мувожаатлар тизими тубдан янгиланди. Замоनावий ахборот воситалари билан мувожаат қилиш, яъни электрон мувожаат, оммавий қабул, видео-конференц-алоқа тушунчалари кенг қўлланила бошлади. Чунончи, Қонуннинг 5-моддасида: "Мувожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар мувожаатларнинг турлари ҳисобланади. Мувожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади" деб белгиланган. Натигада фуқароларга оғзаки, ёзма мувожаат қилиш ёки исталган манзилдан алоқа воситалари орқали мувожаат қилиш имконияти яратилган.

Ўрни келганда, фуқароларга эслатиб ўтиш жоиз. Яъни, мазкур қонуни кўриб чиқарилган тартибдаги жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-иқроия, иқтисодий-процессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган мувожаатларга, давлат органларининг, шунин-

Одам савдоси — давр муаммоси

ИНСОН БУЮМ ЭМАС...

Одам савдоси – куч ишла-тиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳоқимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қал-тислигидан фойдаланиш ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки ман-фаатдор этиш эвазига оғди-риб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида улар-ни ёллаш, ташиш, топшириш,

яшириш ёки қабул қилишдир. Одам савдоси бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, куллик ёки кулликка ўхшаш одатларни, эркин ҳолада инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англади. Ҳар йили миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кекса-



Taqdimot va targ'ibot

Kitobdan yaxshi do'st yo'qdir

Kitob-inson ma'naviyatining poydevori. Kishiga ma'nan va ruhan ozuqa beruvchi qudratli qurolidir.



Buni tumanimiz misolida ham ko'rish mumkin. Xususan, 2-umumiy o'rta ta'lim maktabi kutubxonasi shular jumlasidan.

20-30 yosh toifasida 1-o'rinni qo'lga kiritdi va viloyat bosqichida ham muvaffaqiyatli ishtirok etishdi.

Marjona Abdullolqova, Shahnoza Tursunmurodova, Azizbek Normo'minovlar shular jumlasidandir.

Badiiy ijodni qo'llab-quvvatlash maqsadida muzrabotlik shoir, shu maktabda ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchi sifatida faoliyat yuritgan ijodkor, kamtar, kamsuqum inson - Sirojiddin Qulbobo'yev o'zining ikkinchi kitobi bo'lmish "Shaffof tuyg'ular", va jarqo'rg'onlik pedagog, shoir Chori Zarif ham "Surxon yog'dusi" nomli kitoblaridan 10 donasini maktab kutubxonasiga sovg'a qilishdi.

Shahnoza MAMATQULOVA, 2-maktabning ona tili va adabiyot o'qituvchisi.

Inson mahorati

San'at va ijtimoiy hayot

San'at keng ma'noli tushunchadir. Zero, san'at inson mehnati, aql-idroki, shuuri bilan yaratilgan, vujudga kelgan, ijod qilingan narsalardir.

emas. U ijtimoiy ongning hamma shakllariga taalluqlidir. Ijtimoiy ongning boshqa shakllarida bo'lganidek, san'atda ham bilish va mafkura bir-biri bilan chirmashib, o'zaro bog'lanib ketgan.

Turli tarixiy bosqichlarda va san'atning turli ko'rinishlarida bilish va mafkura o'zaro mutanosiblikda amal qiladi. San'atning bilish jarayonidagi burch-vazifasi badiiy adabiyot vositasida yaqqol ko'zga tashlanadi.



alohida turi sifatida mushohada etilganda, odatda, badiiy adabiyot asarlariga suyaniladi. Musiqaning bilish-inglash imkoniyatlari badiiy adabiyotga nisbatan biroz cheklanganligi ma'lum, lekin voqeilikni alohida noziklik, sezgirlik, samimiylik ruhida in'ikos etishda musiqaning ahamiyati katta, u odamlarning ruhiy holatini, ichki dunyosini, kechinmalarini, his-tuyg'ularini betakror nozik ohang-kuylarda ifodalaydi.

Xuddi shunga o'xshash burch-vazifani me'morchilik ham bajaradi. Odamlar ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq san'at turi bo'lgan me'morchilik davr xususiyatlari va belgilari, odamlar maishiy hayoti, did-farosatlarini, orzu-umidlari aks etadi.

San'atda inson hamma vaqt ham bevosita ifodalanmaydi. Xususan, san'atning manzara tasviri yoki natyurmort turida inson qiyofasi ifodalanmaydi. Bu hol inson mazkur san'at asarlarida

aks etmaydi, degani emas. Manzara tasviri inson his-tuyg'ularining eng nozik va eng jozibali qirralarini namoyon etadi. Masalan, O'rol Tansiqbo'yev, Ne'mat Qo'ziyoboyev, Rahim Ahmedov, Ro'zi Choriyev kabi musavirlarning manzara tasviri asarlari orqali insonda yorqin mayuslik, beozor shodlik, tashvishli ehtiros, ko'tarinki ruh, hayotbaxsh orzu-umidlar, ijodkorlik va yaratish his-tuyg'ularini uyg'otadi.

Tasviri san'atning natyurmort turi ko'proq jonsiz narsalar - mevalar, gullar, taomlar, ichimliklar tasviridan iborat bo'lib, ularda odam aksini ko'rmasakda, bu xil asarlar

Bolalarda emotsional intellektni rivojlantirish

"Inson o'z hissiyatlarini boshqara olsa, u o'z hayotini boshqara oladi".

Daniel GOLEMAN, emotsional intellekt nazariyasining muallifi.

Har bir bola ulg'aygan sari dunyoni o'zicha tushunib boradi. Ular raqamlarni, harflarni yoki kiyimlarni o'rganishadi, balki his-tuyg'ularini ham o'rganishadi.

Yana bir samarali usul - o'yin orqali o'rgatish. Bolalar o'yinni yaxshi ko'rishadi. Turli rollarni ijro etish o'yinlari - masalan, do'st bilan tortishib qolish sahnasini o'ynash va muammoni qanday hal qilishni kelishgan holda muhokama qilish - bu bolaga amaliy tajriba bo'ladi.

Emotsional intellekt bu - orqali o'z hislarini anglay olish, boshqarish va boshqalarni tushuna olish mumkin. Masalan, bola g'azablanganda buni tan olishi, bu tuyg'uni tinch yo'l bilan ifodalashi va muammoni hal qilish yo'lini topishi - katta ko'nikma.

O'qituvchilar esa sinfda emotsional ochiq munosabatda bo'lishi kerak. Bola yig'lasa, unga "Yig'lama!" demasdan, "Nima bo'ldi? Seni kim xafa qildi?" deb mehr bilan yondashish muhim. Bu bola uchun muhitga moslashish va o'zini idrok qilishdan qo'rqmaslikka o'rgatadi.

Aslida, bola eng avvalo ota-onasiga qarab ulg'ayadi. Agar ota-ona o'z hislarini ochiq aytasa, bolaga ham bu oson bo'ladi. Agar biz ularni sabr bilan tinglab tushunishga harakat qilsak, ular ham boshqalarni tushunishga o'tadi.

Xulosa o'rinda shuni aytish kerakki, bolada emotsional intellektni rivojlantirish - bu zamonaviy tarbiyaning ajralmas qismidir. Bu nafaqat bolaning oddiy his tuyg'ularini bema'lol ifoda etishni, balki ijtimoiy muvaffaqiyatini ta'minlashga yordam beradi.

A. MURODOV, 36-maktab psixologi.



Миннатдорчилик

Тиббиётимиз жонбозлари

Дунё бўйлаб кулоч ёзаётган мустақил Ўзбекистон ёшлари "бахт - билимда" e-англигини қалбан англари тиклаб оиласи бағрига мамнун қайтишяпти.

Туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими бугунги кунда ана шундай интилувчан талаба ёшлар билан тўлган. Образли қилиб айтганда, беморлардан кўра оқ халатли саломатлик посбонлари кўпчилиги ташкил этади. Боиси, ушбу йўналишдаги талабалар орттирган назарий билимларини амалиётга жорий этишмоқда. Уларга малакали мутахассис, невролог-врач, Терапия бўлими бошлиғи Машхурбек Оқиев устозлик қилиб келаётир.

Бугунги кунда Машхурбек Оқиевдан барча миннатдор. Турли халатли билан оғриб, шифокордан наҳот истаб келган беморлар саломатлигини тиклаб оиласи бағрига мамнун қайтишяпти.

Касалликдан фориқ бўлган нурулигар бўлим бошлиғини дуо қилганида, биз ҳам ўз соҳасининг билимдони Машхурбек Оқиев тиббиёт назарий билимларини амалиётга жорий этишмоқда. Уларга малакали мутахассис, невролог-врач, Терапия бўлими бошлиғи Машхурбек Оқиев устозлик қилиб келаётир.

Чори ТУРСУНҚУЛОВ, собиқ байналмилаллик жангчи.

Maktablarda informatika va axborot texnologiyalari Zamonaviy ta'limning ajralmas qismi

Zamonaviy dunyo raqamli texnologiyalar bilan chambarchas bog'liq bo'lib, har bir sohada kompyuter savodxonligi talab etiladi.

qilinadi. Interaktiv darslar, testlar, virtual laboratoriyalar, video darslar orqali o'quvchining darsga bo'lgan qiziqishi ortadi. Bu esa ta'lim sifatiga bevosita ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

3. Darslarda zamonaviy usullardan foydalanish Informatika darslarini samarali o'tish uchun o'qituvchilar amaliy mashg'ulotlar, ijodiy topshiriqlar, loyihalarga asoslangan o'qitish, 4K modeli (Kreativlik, Kommunikatsiya, Kooperatsiya, Kritik fikrlash) kabi usullardan foydalanishlari lozim. Bu orqali o'quvchilarning mustaqil ishlash ko'nikmalari shakllanadi.

1. Informatikaning o'quvchilarga ta'siri Informatika darslari orqali o'quvchilar raqamli texnologiyalar bilan tanishadi. Dasturlash elementlari, mantiqiy fikrlash, algoritmik tafakkur rivojlanadi. Shuningdek, o'quvchilar fayllar bilan ishlash, internet resurslaridan to'g'ri foydalanish, axborotni baholash va uni xavfsiz saqlash kabi muhim ko'nikmalarga ega bo'ladi.

2. Axborot texnologiyalarining o'quv jarayonidagi roli Axborot texnologiyalari yordamida ta'lim jarayoni yanada samarali tashkil

Ilg'or tajriba

Interaktiv usul - dars samaradorligi

Shiddat bilan rivojlanib borayotgan bugungi asrimizda yoshlarning bilim olishi, o'qib-o'rganishi, taraqqiy etishi uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan bo'lib, istalgan jabhalarda o'zlarini namoyon qila oladilar. Ularning bunday natijalarga erishishida albatta, muqaddas dargoh - maktab va uning ustoz-murabbiylarining o'lmida ahamiyatidir.



fikrlashi rivojlanishiga yordam bermoqda. O'qituvchi va o'quvchi faol bo'lgan dars jarayonidagi interaktiv usullar o'qituvchining darsni a'lo darajada tashkil etishi, o'quvchilarning o'zaro fikr almashishi, individual, jufliklarda va guruhlarda ishlashiga yordam beradi. Bunday interaktiv usullar mavzuni to'liq tushunishga ko'maklashadi.

Мактаб фахри СЕВИНЧ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧ



Яқинда Термиз Давлат университети томонидан фанлар олимпиадаси ўтказилди. Унга жорий ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларини битираётган йигит-қизлар қатнашди.

Мақтабимиз битирувчиси Севинч Оролова маъзур билимдонлар беллашувида физика фанидан муваффақиятли иштирок этди. У олимпиадада 2-уринни қўлга киритиб, Термиз Давлат университетига мудатидан олдин талабалikka қабул қилинди. Туман миқёсида биринчи ўринни эгаллаган яна бир битирувчиси Моҳичеҳра Хайитмуродова ҳам биология фанидан шу олимпиадада фаол қатнашди. Шунингдек, Термиз иқтисодиёт ва сервис университети тизиминида ташкил этган олимпиадада билим даргоҳимизни шу ўқув йилида хатм айлаган битирувчи Моҳичеҳра Саидқуллова эса кимё фани

So'z latofati



So'z - inson tafakkurini va qalbining aksidir. U orqali fikr ifoda etiladi, tuyg'ular namoyon bo'ladi, munosabatlarga barpo etiladi. Ammo har qanday soz emas, balki latofatli, ya'ni nafis, chiroyli, ohangdor va mazmunli so'zlar qalbga yo'l topadi. So'z latofati bu - shunchaki go'zal so'z ishlatish emas. Bu

so'zning o'z o'rnida to'g'ri ohangda, mazmunan chuqur va badiiy vositalar bilan bezatilgan holda ko'llanilishidir. So'z latofati inson ruhiyatiga ta'sir ko'rsatadi, uni mulohazaga, hushyorlikka, hatto ilohimlanishga undaydi. Buyuk mutafakkirlar, xususan, Alisher Navoiy so'z latofatini eng yuksak darajada namoyon etgan. Uning she'rlari nafaqat ma'noli, balki ohangdor, musiqiy, yurakka yaqin va ruhni yuksaltiruvchi so'zlar bilan to'la.

Bugungi kunda ham so'z latofatiga ehtiyoj katta. Ijtimoiy tarmoqlar, ommaviy axborot vositalari hamda kundalik muloqotda so'zdan oqilona foydalanish madaniyat belgisi hisoblanadi. Chunki, har bir so'z yurakka yo'l topishi, inson qalbidan nur uyg'otishi mumkin. So'z - kuch, lekin latofati so'z - san'atdir.

Dilnoza XOLBOYEVA, 21-umumta'lim maktabining ona tili va adabiyot o'qituvchisi.

MUZRABOT MUASSISLAR: Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligi

Muharrir Abdusalom YO'LDOSHEV Tahririyat manzili: 191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni, Amir Temur ko'chasi, 38-uy. Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006. e-mail: shaymardonov8787@mail.ru. Buyurtma G-2330 nusxada bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoymardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev. Navbatchi O.Hakimova. Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalari tahririyati boshmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti - 14-00. Topshirildi - 14-00